

**АДАБИЁТ НАЗАРИЯСИ** — адабиётшунослик фанининг асосий таркибий қисмларидан биридир. Бадиий адабиёт, унинг жамият ҳаётида тутган ўрни ва ахамияти, яратилиш қонуниятлари, тараккиёт босқичлари, бадиий асарнинг тасвирий ҳамда ифода воситалари, таркибий тузилиши, адабий тур ва жанрларни, адабий жараён хусусиятларини ўрганади. Адабиёт назарияси сўз санъатининг ижодий тажрибаларига таянган ҳолда иш кўради, ўз назарий хулосаларини турли даврларда яратилган энг сара бадиий жавохирлар таҳлилидан, тарихий-адабий жараённи ўрганишдан келтириб чиқаради. Адабиёт назарияси узок тарихга эга фанлардан биридир. Мазкур фан Шарқда асосан уч йўналишда ривожланган. Булар — аруз илми, кофия илми ва балога илми, яъни шеърий санъатлар ҳақидаги йўналишлардир. Мухаммад бин Умар ар-Родуёнийнинг «Таржумон ул-балога», Рашидиддин Ватвотнинг «Ҳадейик ус-сехр фи дакойик уш-шеър», Шайх Ахмад ибн Худойдод Тарозийнинг «Фунун ул-балога», Алишер Навоийнинг «Мезон ул-авзон», Бобурнинг «Мухтасар», Хусайн Воиз Кошифийнинг «Бадоеъ ул афкор фи саноеъ ул-ашъор», Атоуллох Хусайнийнинг «Бадоиъ ус-саноиъ», Воҳид Табризийнинг «Жамъи мухтасар» каби асарларида аруз шеърий тизими, кофия ҳамда унинг турлари ва шеърий санъатлар алоҳида-алоҳида ўрганилган. Узбек адабиётшунослигида том маънодаги адабиёт назарияси XX асрнинг 20-йилларида шаклланди. Бу даврда Фитрат томонидан яратилган «Адабиёт қоидалари» китобида бадиий адабиётнинг ўзига хослиги, ижтимоий табиати, адабий тур ва жанрлар, сюжет, композиция, бадиий нутқ ва маҳорат масалалари бўйича яхлит маълумотлар берилди. Кейинчалик Абдурахмон Саъдий, Иззат Султон, Х.Ёкубов, М.Юнусов, М.Кўшжонов каби олимлар томонидан олиб борилган назарий изланишлар ушбу фан тараккиётига катта ҳисса бўлиб кўшилди.